

Бошланғич синфларда дарс ўтиш ниҳоятда шарафли ва масъулиятли ҳисобланиб, ўқитувчилардан фидойилик, сабр-тоқат, энг муҳими ўқувчини севиш, ҳурмат қилиш зарур бўлади. Бу фазилатларга, хусусияларга эга бўлган ўқитувчилар вилоятимизда кўплаб топилади. Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида педагогик маҳоратга эга бўлган, тажрибали андрагоглардан бири Хосият Абдиевна Тўлакова мана шундай фидойилардан биридир.

Изланувчан муаллим

Хамроев Ш

Миришкор куйи Қашқадарёдаги аҳоли сони ва нуфузи жиҳатдан катта мавқега эга қишлоқ ҳисобланади. Миришкор қишлоғи тарихи олис мозийга бориб тақалади. Бунга Миришкор тепалиги ва Оқмачит тазари (сув қувури) мисолдир. Миришкор тепалигини тарихчилар эрамизнинг биринчи асрига тааллуқли деб ҳисоблайдилар. Оқмачит орқали Қашқадарё суви Турон заминнинг Кўҳна Фазли ва Шаҳри Барбар каби йирик шаҳарларини оби ҳаёт билан таъминлаганлиги ҳозир ҳаммага маълумдир. Оқмачитда тазар, сув тўпланадиган қудуқлар ва ҳаммом намуналари қолдиқлари ҳозир ҳам учраб туради. Миришкорда ўқув-ўқитув ишлари ҳам бой тарихга эга. XIX аср охири – ўтган аср бошларида Шомансурхон, Ҳасанхон, Мирсаидхон, Умар Ниёзов, Холбой Абдуллаев, Юсуф Ҳақбердиев, Ниёз Каримов, Қора Аҳмедов, Сувон Қаландаров, Норча Нуриддинов, Тўйчи Ширинов каби муаллимлар нафақат Миришкорда, балки вилоятимиздаги кўплаб туманлардаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатганлар. Ҳозирги кунда Миришкор қишлоғида 7 та мактаб, 1 та ихтисослаштирилган мактаб, 2 та коллеж фаолият кўрсатмоқда. Бу таълим муассасаларида етти юзга яқин устозлар ёшларга таълим – тарбия бермоқдалар. Ана шундай фидойи, жонкуяр муаллимлардан бири – Шерназар Имомовдир.

Ш.Имомов 1978 йил 4 апрел куни Миришкор қишлоғи Ободон маҳалласида дунёга келди. Унинг отаси Хонназар полвон, онаси Марҳамат Тўракуловалар халқ орасида катта обрў – эътиборга инсонлардан бўлиб, фарзандларини таълим – тарбиясига катта эътибор берадилар. У 1985 йил Миришкор туманидаги 2- сонли мактабнинг 1-синфига ўқишга борган. Унга Миришкорнинг таниқли ўқитувчиларидан бири – Хидир Қораев хат- савод ўргатган. Шерназар мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Синфдошлари – Орзиев Отабек, Қораева Гулноза, Ражабова Роҳила, Маматов Бегали кабилар билан бирга ўқиганлигидан фахрланиб юради. Чунки, синфдошларининг барчаси қишлоқ, туман, қолаверса вилоятимизнинг ижтимоий – иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Ш.Имомов 1995-1997 йилларда Самарқанд Педагогика билим юрти (ҳозирги Самарқанд Педагогика коллежи)да ўқиган. Унга педагогикадан Эшмирза Маҳмудов, тиббий билим асосларидан Ҳакимова, Тошова, педагогика тарихидан Тош Назаров, жисмоний тарбия фанидан Насриддин Назаров, Машраб Қодиров фан сирларини, ўқитиш услубиётларини

ўргатдилар. Сафаров Ғайрат, Чориев Рустам, Хўжамкулов Орзикул каби курсдошлари билан ҳозирги кунда ҳам борди – келди қилиб туради.

У педагогика билим юртини тугатиб она қишлоғи-Миришкорга келиб 2-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига таълим – тарбия берди. Олий таълим олиш зарурлигини ҳис қилган Ш.Имомов 2003 йилда Қарши Давлат Университети сиртқи таълим бўлими бошланғич таълим йўналишига ҳужжат топширди. Имтиҳонларни муваққиятли топшириб талаба деган номга мушарраф бўлди. Шерназардаги тиришқоқлик, тажрибани инобатга олган гуруҳдошлари уни ўзларига сардор қилиб сайлашди. Ишдан ажралмаган ҳолда, назария ва амалиётни бирга олиб бориш Шерназарни етук ўқитувчи бўлиб етишига мустаҳкам замин бўлди. Университетда профессор М.Очилов, доцентлар Т.Ғаффорова, Қ.Хуррамов, А.Ҳазраткулов, А.Набиев, Х.Некбоевларнинг ўтган маърузалари, олиб борилган амалий машғулотлар Шерназарда катта таассурот қолдирди. Курсдошлари Фотима Тангриева, Хуршида Мирзаева, Раъно Бойтўраева, Дилфуза Худойкуловалар билан ҳозиргача тажриба алмашиб, ўқиш – ўқитиш ишларидаги янгиликлардан хабарлашиб туради.

Шерназар Имомов 2008 – 2011 йилларда Миришкор иктисодиёт касб – ҳунар коллежида ёшларга таълим – тарбия берди. 2011 йилдан буён эса Миришкор туманидаги 21 – ихтисослаштирилган мактабида бошланғич синф ўқувчиларига хат – савод ўргатмоқда. Туман ва вилоят миқёсидаги кўрик – танловларда фаол иштирок этиб келмоқда.

- Мактабда сабоқ берган устозларим Хидир Қораев, Шомир Сариков, Абдумажид Хусенов, Турсунпўлат Тўракулов, Файзулло Турсунов каби ўқитувчилардан ҳаётим давомида миннатдор бўлиб келаман – дейди Шерназар Имомов. – Айнан шу фидойи инсонлар сабабли ўқитувчилик касбини танлаганман. Чунки, меҳнатим ортидан обрў – эътибор топдим. Энг асосийси, устоз деган номга лойиқ кўрилдим.

Замонавий педагогик технологиялар, дидактик ўйинлар, мультимедиа воситалари асосида мавзуларни ёритиб бориш ва бошқа янгиликларни дарс жараёнига, ҳаётга татбиқ этиш орқали ўқувчиларда бўлган мотивни шакллантиришга эришяпти.

- Шерназар Хонназарович бизнинг фидойи жонкуяр муаллимларимиздан, дейди Миришкор туман 21 – ихтисослаштирилган мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Одил Тилобов. – Баркамол инсонда бўлиши лозим бўлган барча фазилатлар Шерназарда бор. Асосийси, касбидан бахт топаётган, меҳнатлари эвазига халқ орасида катта обрў – эътиборга эга бўлаётганлигидан бениҳоя хурсандман. Мактабда етакчи мутахассис булиб етишида Гулсара Аралова, Яхшибой Бекназаров, Ғани Чўлиев, Зокир Чориев, Одил Тилобов, Нурали Аллаевларни ўзига устоз деб билади. Улардан дарс ўтиш жараёнида ҳаётда кўп нарсаларни ўргандим, дейди Ш.Имомов. Унинг ўқувчиси Элиев Шохрух туман митти олимпиадасида икки йил ғолиб чиққан бўлса, вилоят босқичида ғолиб, кейинги йил эса 2-ўринни эгаллаган.

- Ш.Имомов ҳозирги кунда йил ўқитувчиси кўрик танловига тайёргарлик кўрмокда, биз уни туман ва вилоят босқичларида ғолиб чиқишига ишонамиз – дейди мактаб директори Н.Аллаев.

Ҳа, Шерназар Имомов ана шундай танловларда ғолибликка асосий даъвогар бўлган устозлардан. Инсонда касбга бўлган меҳр – муҳаббат, фидойилик, жонкуярлик унинг ортидан эришилган ютуқ ҳамда муваффақиятлар бор экан, албатта, ижобий натижалар юз беради.